

Франциялик мутахассислар иштирокида илмий-амалий семинар



Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш институтида Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат кўмитаси ташаббуси билан ўзбекистонлик ва франциялик мутахассислар иштирокида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Мазкур семинар давомида франциялик техник-маслаҳатчи Самир Солиман, шунингдек, "Юнид Ас Групп" компанияси раҳбарияти томонидан тақдимотлар ўтказилди.



Илмий-амалий семинарда автомобиль йўллари қопламаларини жорий таъмирлаш, қопламаларнинг устки юзасига сиртқи ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш, бу мақсадларда Европанинг илғор технологияларини йўл қурилиши ва таъмирига жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

[Автомобиль йўллари давлат кўмитаси](#)

[матбуот хизмати](#)